КПСС МК МАРТ ПЛЕНУМИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

# ЭКИШДА ҲАМ СУРЪАТ, ҲАМ СИФАТ УЧУН

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-ЙИЛ ЧИҚИШИ. № 86 (13.042). 14 АПРЕЛЬ 1965 ЙИЛ ЧОРШАНБА *Баҳоси 2 тийин.*

## 7 ИШ КУНИДА

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ортиқов раислик қилаётган «Ленинизм» колхозининг пахтакорлари Калинин районида биринчи бўлиб 1240 гектар ерга чигит экиб бўлдилар. Экиш 7 иш кунида — ўтган йилдагидан 20 кун илгари тугалланди. Ҳар гектар ерда 30 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилган колхозчилар ғўза парваришига шайланмоқдалар. Тракторларга культиваторлар ўрнатилмоқда.

Райондаги Свердлов номли колхозда ҳам 900 гектар ерга чигит экиш тамомланди.



МАШЪАЛ хўжалик «Савай» совхозида экиш тез суръатлар билан давом эттириляпти. Бу йил биринчи марта комплекс механизациялашган бригадага бошчилик қилаётган Ленин орденли Воҳид Жўраев бошлиқ бригадада экиш сифатига «аъло» баҳо берилди. Суратда: В. Жўраев чигит экяпти.

М. Шерман фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

# КЕНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСДА

ПРАВДА

Мана шу кўклам кунларида миллион-миллион совет кишиларининг куч-ғайрати КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини амалий жиҳатдан бажаришга қаратилган. Социалистик хўжаликни ривожлантиришнинг иқтисодий қонунлари қўйган талабларни, коммунистик қурилишнинг манфаатларини илмий жиҳатдан ҳисобга олишга асосланган Пленум қарорларини бутун партия ва халқ якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Марказий Комитетнинг март Пленуми колхоз ва совхозлар экономикасини кўтаришнинг конкрет йўлларини белгилаб берди. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланаётганлиги, шу тармоққа сарфланадиган капитал маблағлар анча кўпайтирилаётганлиги, маҳсулот тайёрлашни планлаштиришнинг тамомила янги принципи ўрнатилганлиги, бир қанча асосий маҳсулотларнинг харид нархлари ошириб қўйилганлиги ва бошқа иқтисодий чоралар кўрилганлиги колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини муваффақиятли ривожлантириш учун объектив шарт-шароитлар яратиб бермоқда.

Марказий Комитет март Пленумининг қарорига мувофиқ, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини тобора кўп етиштириш ва сотишдан колхоз ва совхозларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга, уларнинг экономикасини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча қарорлар қабул қилдилар. СССР Олий Совети Президиуми «Колхозлардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида» Фармон чиқарди, бу Фармон ҳам жамоат хўжалигини янада ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Эндиликда даромад солиғи илгари бўлганидек колхознинг ялпи даромадидан олинмайди, балки унинг соф даромадидан олинади. Ана шу ҳужжатларнинг ҳаммаси 1965 йил 11 ва 12 апрелда «Правда»да эълон қилинди.

Партия қишлоқ хўжалигига раҳбарликдаги камчиликларни, колхоз ва совхозларга маъмуриятчилик ва буйруқбозлик қилиш, етилган масалаларни ҳал этишга субъектив муносабатда бўлиш методларини қатъиян тугатиш билан бирга, иқтисодий воситалардан фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқда, социалистик ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ленинча принципларига қатъиян риоя этишни кадрлардан талаб қилмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихий ривожланишнинг бутун давомида ўзининг енгилмас ҳаётий кучини исботлаган энг илғор ижтимоий системага асослангандир. Колхоз ва совхозлар — механизациялаштирилган йирик социалистик хўжаликлар бўлиб, улар халқнинг озиқ-овқат маҳсулотларига узлуксиз ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондириш соҳасидаги вазифаларни ҳал қилишга қодирдирлар. Ҳамма гап колхоз ва совхозларнинг резервларини ишга солиб юборишда қолди. Бунинг учун эса даставвал, ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги моддий ва маънавий стимуллардан кенг асосда фойдаланиш лозим.

Маҳсулотлар тайёрлашнинг қатъий планлари белгилаб қўйилганлиги муҳим иқтисодий воситадир. Давлат манфаатлари билан хўжаликларнинг ички манфаатлари бу планларда уйғун равишда бир-бирига қўшилиб кетган. Маҳсулотлар тайёрлашни планлаштиришнинг янги тартибига ўтилганлиги қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчи кучларни тобора олға қараб ривожлантириш талабларига батамом мос бўлиб тушмоқда. Бир неча йилларга мўлжалланган стабил планлар ишдан, жамоат хўжалигини ўстириш истиқболларидан қишлоқ меҳнаткашларининг кўнглини тўқ қилмоқда, мутахассисларнинг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг, барча деҳқонлар ва чорвадорларнинг ташаббускорлигини кенг авж олдириб юбормоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилишнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган плани тўғрисида» қабул қилган қарорида 1970 йилни ҳам қўшиб, мана шу беш йилликдаги ҳамма йиллар учун дон харид қилиш планини йилига 55,7 миллион тонна (3,4 миллиард пуд) миқдорида тасдиқладилар. Партия ва ҳукумат дон харид қилишнинг стабил планини белгилаб қўйиш билан колхоз ва совхозлар қулай иқтисодий имкониятлардан фойдаланиб, дон етиштиришни анча кўпайтиришга эришадилар ва пландан ташқари дон сотиш имкониятига эга бўладилар, деб умид қилмоқдалар. Аҳолини боқиш ва давлатнинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун мамлакатни ғалла билан тўлиқ таъминлаш мақсадида анча оширилган нархлар билан пландан ташқари буғдой ва жавдар харид қилиб бориш зарур, деб топилди. Бундай маҳсулотлар хўжаликларга ҳеч қандай қўшимча топшириқлар берилмагани ҳолда, ихтиёрийлик асосида харид қилинади.

Шунингдек, иттифоқдош республикалар бўйича мойли экинлар уруғи, картошка, қанд лавлаги, пахта, чорва моллар ва парранда, сут, тухум, жун ва бошқа маҳсулотлар харид қилишнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган планлари ҳам тасдиқланди. Маҳаллий органлар йиллар бўйича дон ва бошқа маҳсулотлар харид қилишнинг қатъий планларини уч ой муддат ичида колхоз ва совхозларга етказишлари мутлақо шарт. Масъулият ва қунт талаб қиладиган иқтисодий ишни амалга ошириш лозим бўлиб турибди. Биз ҳар қайси хўжаликнинг тупроқ-иқлим ва ишлаб чиқариш имкониятларини, уни ривожлантириш, ихтисослаштириш истиқболларини, кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш, чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, колхозчиларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш учун қанча маҳсулот қолдириш зарурлигини диққат-эътибор билан чуқур ҳисобга олишимиз керак.

Маҳсулотлар тайёрлашнинг бир қанча йилларга мўлжалланган қатъий плани — аслини олганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳақида умумхалқнинг колхоз ва совхозларга берган заказидир. Қишлоқ меҳнаткашлари давлатнинг мана шу заказн асосида конкрет шарт-шароитларни ҳисобга олиб, жамоат хўжалигидаги ҳар бир тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли планини тузиб чиқишлари, экин майдонларининг энг самарали структурасини белгилаб олишлари, далаларнинг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш чораларини режалаштириб қўйишлари керак.

Мамлакатни бу йил озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминламоқ учун қишлоқ хўжалигидаги ходимларнинг кўп иш қилишлари лозим бўлиб турибди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 3 миллиард 400 миллион пуд миқдорида дон харид қилиш планини ҳамда 8,5 миллион тонна миқдорида (тирик вазнда) чорва моллар ва парранда харид қилиш планини белгиладилар. Бу йил давлатга ихтиёрий равишда қўшимча миқдорда буғдой ва жавдар сотиш соҳасидаги ўз имкониятларини кўриб чиқиш колхоз ва совхозларга тавсия қилинди.

Стабил планлар белгилаб қўйилганлиги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун, ҳар бир колхоз ва совхознинг давлат топшириқларини бажариши учун партия ва совет органларининг масъулиятини бўшаштирмайди, балки аксинча, уларнинг масъулиятини оширади. Ўтмишда бизда давлатдан қарздор бўлиб қолган хўжаликлар анчагина бор эди. Маҳсулотлар харид қилишнинг бир қанча йилларга мўлжалланган доимий плани қабул қилиниб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун иқтисодий жиҳатдан яхши шарт-шароитлар яратиб қўйилган ҳозирги вақтда, давлат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида алоҳида гап юритиш керак. Бизда план қонун кучига эгадир, деган гап бор, бас, шундай экан, план ҳамма учун мажбурий бўлмоғи керак: уни ўзгартириб ҳам бўлмайди, лекин уни бажармаслик ҳам мумкин эмас!

Доннинг янги харид нархлари белгиланганлиги натижасида колхоз ва совхозлар давлатдан каттагина ёрдам оладилар. СССР Министрлар Советининг «Буғдой ва жавдар етиштиришни ҳамда давлатга сотишни кўпайтиришдан колхоз ва совхозларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорида 1965 йил 1 майдан бошлаб ана шу асосий озиқ-овқат экинлари маҳсулотининг харид нархларини ошириш ва бу маҳсулотларнинг янги харид нархларини амалда жорий қилиш кўзда тутилди. Бу нархлар мамлакатдаги айрим зоналар ва районларни ҳисобга олиб, табақалаштирилган ҳолда белгиланмоқда. Янги харид нархларидан барча колхозлар ва совхозлар ютиб чиқади. Ана шу қарорга биноан, ҳукумат давлатга пландан ташқари сотиладиган буғдой ва жавдарнинг харид нархларига 50 процент миқдорида устама мукофот тўлаш тартибини жорий қилмоқда.

СССР Министрлар Советининг шоли, гречиха, тариқ донининг энг қимматли навларини ва кунгабоқар уруғини етиштиришни ҳамда тайёрлашни кўпайтириш тўғрисидаги қарорида кўзда тутилган иқтисодий чоралар колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлигини оширишда ғоят катта роль ўйнамоғи керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Қанд лавлаги етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтиришдан колхозчиларни ва совхоз ходимларини моддий рағбатлантиришнинг қўшимча чоралари ҳақида» ҳам қарор қабул қилдилар.

Давлат йўли билан маҳсулотлар тайёрлашнинг стабил планларига ва асосий дон маҳсулотларининг янги харид нархларига кўчилаётганлиги дон хўжалиги учун мустаҳкам иқтисодий негиз солиш имконини беради, дон ва бошқа маҳсулотлар етиштириш кўпайтирилажагига деҳқонларда ишонч туғдиради. Колхоз ва совхозларда техника, минерал ўғитлар сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший бинолар қуриш, кишиларнинг меҳнатига яхшироқ ҳақ тўлаш учун кўпроқ маблағ ажратиш имкониятлари вужудга келади.

Шу кунларда миллион-миллион қишлоқ меҳнаткашлари қандай қилиб давлатнинг ёрдамидан рационалроқ фойдалансак бўлар экан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун биринчи навбатда нималар қилсак экан, деган фикрни ўйламоқдалар. Мана масалан, Куйбишев область Большечерниговский районидаги Ленин номли колхоз раиси Н. Попов «Правда»га юборган хатида ўз хўжалигининг планлари ҳақида қуйидагиларни ҳикоя қилади: «Янги нархлар бизга катта ютуқ келтирмоқда. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатиб турибдики, агар колхоз бу йил ҳам давлатга ўтган йилгичалик дон, сут, гўшт ва жун сотса, биз далачиликдан қарийб 285 минг сўм ва чорвачиликдан 34 минг сўм қўшимча даромад оламиз. Бу пулни хўжаликдаги қайси тармоқларни ривожлантиришга сарфлаш кераклигини колхозчиларнинг ўзлари ҳал қиладилар. Албатта, шу пулнинг бир қисми меҳнатга кўпроқ ҳақ тўлаш учун ишлатилади, бу эса оқибатда ишлаб чиқаришни ўстиришга таъсир кўрсатади. Биз янги машиналар сотиб олишимиз, капитал қурилишни кенг авж олдиришимиз керак. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати биз, қишлоқ деҳқонларига, жуда катта ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Биз ҳам юзимизни шувут қилмасликка ҳаракат қиламиз. Жонажон мамлакатимизга юқори сифатли маҳсулотларни йил сайин тобора кўплаб етказиб берадиган даражада ишлай берамиз». Партия ва давлат томонидан амалга оширилаётган иқтисодий чоралар қишлоқ хўжалиги олдида яхши истиқболлар очиб қўймоқда, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини тез юксалтириш учун ғоят катта имкониятлар яратиб бермоқда. Аммо, ана шу имкониятлардан яхшироқ фойдаланиш учун кураш астойдил йўлга қўйиб юборилмаса, кишилар фидокорона меҳнат қилишга отлантирилмаса, имкониятларнинг ўзи унчалик кўп наф етказмайди. Эндиликда колхоз ва совхозлар эришадиган муваффақиятлар улардаги раҳбарлар ва мутахассисларнинг маҳоратига, қишлоқ хўжалигидаги барча ходимларнинг илҳомига, ғайратига ва меҳнатсеварлигига, партия ва совет ташкилотларининг самарали ишлашига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади.

Қишлоқ меҳнаткашларини моддий ва маънавий рағбатлантириш стимулларидан моҳирлик билан фойдаланиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришнинг асосий шартларидан бирдир. Энг яхши иш, энг унумли меҳнат эвазига энг яхши, энг юқори даражада ҳақ тўланмоғи керак. Партия ташкилотлари кишиларни ишлаб чиқаришда ўқитиб-ўргатиш ғамини ейишлари, илғорларнинг сафларини тинмай ўстиришлари лозим, токи ҳар бир қишлоқнинг ўз миришкор ғаллакорлари, миришкор механизаторлари, миришкор чорвадорлари бўлсин. Қишлоқ ёшларини деҳқончилик ишини севадиган, одамлар учун энг азиз нарса бўлган дон етиштириб берувчи деҳқоннинг меҳнати билан фахрланадиган қилиб тарбиялаш зарур.

Халқимиз қишлоқ хўжалигига сарфлаётган жуда катта маблағлар ҳар бир колхоз ва совхозда кун сайин ғоят қатъий иқтисод ва тежам билан иш кўрилган тақдирдагина яхши самара беради. Материалларни, маҳсулотларни, маблағларни талон-торож қилиш фактларига қарши кескин кураш олиб бориш зарур. Халқнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга берилган ҳар бир сўм пулидан ниҳоятда самарали фойдаланилиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги — экономикамизнинг ҳаётий муҳим тармоғи. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш борасида партия амалга ошираётган иқтисодий чораларнинг сиёсий маъноси — экономикамизни юксалтириш ҳақида, бутун совет халқининг моддий ва маданий савиясини тинмай ошириш тўғрисида, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш ҳақида ғамхўрлик қилишдан иборат.

13 апрелдаги бош мақола.

## ДЎСТОНА МУЗОКАРАЛАР

13 апрелда Кремлда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати раҳбарларининг Монголия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегацияси билан музокаралари бошланди.

Музокараларда совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС ва Совет давлатининг бошқа раҳбар арбоблари қатнашмоқдалар.

Музокараларда монгол томонидан Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал, Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Моломжамц ва делегациянинг бошқа аъзолари қатнашмоқдалар. (ТАСС).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ёзувчи Назир **Сафаров** ўзбек совет адабиётини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

## ЧИГИТ УНИБ ЧИҚДИ

КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларидан руҳланган Қарши районидаги «Партия XX съезди» совхози 2-бўлимининг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Хонимой Султонова бошлиқ бригадаси ишчилари чигит экиш кампаниясини биринчилар қаторида бошлаб юборган эдилар. Моҳир механизатор Нажим Шамсиев ва сеялкачи Исмат Розиқов ўртоқлар экқан 5 гектар майдондаги чигит униб чиқди. Етти йилликнинг якунловчи йилида 85 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилган мазкур бригадада экишни 5 иш кунида тугаллаш, барча майдонларда чигитни барвақт ва сифатли ундириб олиш тадбирлари кўрилмоқда. Шунингдек, бўлимнинг Ғ. Саломов, Ш. Умаров, М. Саломов, Қ. Авазов ва бошқа ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам экиш ишлари жадал бормоқда.

Ж. ЮСУПОВ,
К. ПАРДАЕВ.

## ҲАР КУНИ 1.500 ГЕКТАРДАН

Москва райони хўжаликларида чигит экиш суръати кун сайин кучаймоқда. Уруғ фақат яхши ишланган ерларга квадрат-уялаб экиляпти. Район хўжаликлари далаларида 250 га яқин сеялка ишлаяпти. Ҳар куни ўрта ҳисобда—1.400-1.500 гектар ерга уруғ ташланяпти. Ҳозиргача ҳаммаси бўлиб, қарийб 10 минг гектар ерга чигит экилди. Айниқса, «Қизил юлдуз», «Победа», «Партия XXII съезди» ва «Коммунизм» колхозларида экиш уюшқоқлик билан ўтяпти.

«Қизил юлдуз» колхозининг механизаторлари 660 гектар ерга сифатли қилиб чигит экишди. Ғуломжон Нуралиев, Турсунбой Мамажонов, Набижон Мамаризаев, Турсунбой Ортиқов ва Абдулла Серверов ўртоқлар каби илғор механизаторларнинг ҳар бири 70-90 гектардан ерга квадрат-уялаб уруғ қадади. Экиш билан бир вақтда ҳар гектар ерга 100 килограммдан суперфосфат ва 70 килограммдан азотли ўғит солинди.

Колхоз пахтакорлари чигитни бир текис ундириб олиш ва тўла гектар ҳосил қилиш тадбирларини кўрмоқдалар.

К. НАСРИДДИНОВ.

## КОСМОС ДАВРИНИНГ БАҲОРИ

12 апрелда Москвада, Кремлдаги съездлар саройида пойтахт жамоатчилиги вакилларининг умумхалқ байрами — Космонавтика кунига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

Йиғилиш президиумида партия ва ҳукумат раҳбарлари, СССР космонавт-учувчилари, олимлар, ишлаб чиқариш илғорлари ўтирибдилар.

СССР Фанлар академиясининг президенти академик М. В. Келдиш ўз нутқида сўнгги йилларда космосда ўтказилган тадқиқотлар кўпгина жуда муҳим кашфиётлар келтирганлигини айтиб ўтди. Бу эса астрономияни ривожлантириш, метеорология хизматини, радио алоқасини ва телевидениени, навигацияни тубдан яхшилаш учун янгидан кенг имкониятлар очиб берди.

Олим, А. А. Леоновнинг космик фазога чиққанлигини айтиб, бу — ер атмосферасидан тепада ичида одам яшайдиган йўлдош — обсерваториялар яратиш ишида қўлга киритилган жуда катта ғалабадир, деди.

Тантанали мажлисда йиғилиш қатнашчилари томонидан самимий кутиб олинган космонавт-учувчилар В. М. Комаров, П. И. Беляев, А. А. Леонов сўзга чиқдилар.

(ТАСС).

## ТАЪЗИЯ ТЕЛЕГРАММАСИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Хитой Компартиясининг Марказий Комитетига ва Хитой Халқ Республикасининг Давлат Кенгашига телеграмма юбориб, Хитой Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши бош министрининг ўринбосари ўртоқ Кэ Цин-ши вафот этганлиги муносабати билан ўзларининг самимий таъзияларини изҳор қилдилар. (ТАСС).

# САНГЗОР ВОДИЙСИ

Водийнинг жамоли кишини мафтун этади. Пастдаги қир-адирлар кўм-кўк либосга чулғанган. Майсаларнинг ёқимли ҳиди димоғни қитиқлайди. Айқар, Маргузар, Чимтарға тизма тоғларининг чўққиси эса оппоқ қор билан қопланган. Табиат ўз гўзаллигини худди мана шу ерда мужассамлаштиргандай.

— Қишлоғимиз мана шу тепаликдан кафтдек кўринади, бир томоша қилинг, — деди ҳамроҳим Файзулла ака.

Тепалик устига чиқдик. Ҳақиқатан ҳам бу ердан қишлоқнинг ҳар бир уйи, ҳар бир қарич ери кўзга аниқ ташланар эди. Илгари шу қишлоқда, «Навқа», «Бахмал», «Нурли қуёш» ва бошқа бир неча колхоз бор эди. Ҳосилдорлик жуда ҳам паст эди. Кўп деганда гектаридан 4 центнердан дон олинарди.

Мана энди, майда-майда колхозлар бирлашиб «Қорақишлоқ» совхози ташкил этилди. Бирлашган ўзар дейди халқимиз. Ғаллазорлар кенгайди. Янги яйловлар ўзлаштирилди. Давлат хўжаликни техника билан етарли таъминлади. Ҳар йили қанчадан-қанча ўғит олиняпти. Деҳқончилик маданияти тўхтовсиз юксалиб боряпти. Энг муҳими, ҳосилдорлик ошмоқда. Ўтган йили ҳар гектар ердан 11 центнердан дон олинди.

Тепаликдан тушиб қишлоқ марказн томон йўл олдик. Шеригим йўл-йўлакай ҳикоясини давом эттирди:

— Куни кеча совхоз идорасига борган эдим. Катта оиланинг аъзоси бўлганингдан кейин, хўжаликнинг ютуқлари билан қизиқмай бўлмас экан. Баъзи бир кўрсаткичларни секретардан сўраб, ён дафтарчамга ёзиб ҳам олдим. Қўзилатиш кампанияси ҳар йилдагидан яхши ўтяпти. Яйловдаги 13 минг совлиқдан ҳозир 10 минг боши қўзилади. Ҳар 100 совлиқдан ўртача 101 тадан қўзи олинди.

Оқбулоқ яйловида чўпонлик қилаётган Салай Мажидов отаридаги совлиқларнинг ҳар 100 бошидан 118 тадан қўзи олди. Шукур Шамиев, Ўрол Сулаймоновлар ҳам яхши кўрсаткичларга эришдилар. Улар ҳар 100 бош совлиқдан 110-115 тадан соғлом қўзи олдилар.

Сут ва гўшт етиштиришни кўпайтиришда эришилаётган натижалар ҳам чакки эмас. Биринчи кварталда давлатга 150 ўрнига 450 центнер гўшт топширилди. План 300 процент адо этилди. Сут топшириш квартал плани ҳам ошиги билан бажарилди. Очилой Ҳайдарова, Бибизилол Сулаймонова, Жумагул Омонқуловалар йил бошидан бери ҳар бир сигирдан 600-650 литрдан сут соғиб олдилар. Улар бу йил ҳар бир сигирдан 2200-2300 литрдан сут соғиб олишга ваъда беришган.

Қорақишлоқда илгари бирорта ҳам олий маълумотли киши бўлмаган. Ҳозирги кунда эса олий маълумотли 200 га яқин мутахассис бор. Улар хўжаликни юксалтириш, аҳолини фан ва маърифатдан баҳраманд этиш йўлида ижодий меҳнат қилишяпти. 22 медицина ходими қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатяпти. Қишлоқда 15 та ўн йиллик, саккиз йиллик ва бошланғич мактаб, бир неча кутубхона, 25 ўринли туғруқхона, ҳаммом ва бошқа маданий-маиший муассасалар мавжуд. Сўнгги икки йилда 200 га яқин хонадон янги уйларга кўчиб кирди.

Сўнгги йилларда чорвачилик ва ғаллачилик билан бир қаторда, пиллачилик ҳам кенг йўлга қўйиляпти. Ўтган йили 12 гектар тут плантацияси барпо этилди. Бу йил яна 3 гектар ерга тут кўчати ўтқазилди. Мавжуд 150 гектар боғ ва 261 гектар токзор кенгайтириляпти.

У. КАРИМОВ,
Ғаллаорол райони.

